

НАВОИЙ ИЖОДИДА АДОЛАТ ТАЛҚИНИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хайитгул Аккулова,
СамДУ магистранти

Миллий истиқлол туфайли маънавий кадриятларимизни ўрганиш, уларнинг миллатимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнини холис баҳолаш имкониятига эга бўлдик. Шу ўринда Ислом Каримовнинг таъбирича, “авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони” бўлмиш Алишер Навоийни эсламай иложимиз йўқ. “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткордир”[1,47]. Буюк сўз санъаткорининг сўзлари бир уммон бўлса, ундаги янгидан янги маънолар, бадиий санъат воситалари, бетакрор ташбеҳлар, сўз ўйинлари дуру гавҳарлардир. “Хамса” каби йирик, юксак бадиий, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр” каби тарбиявий аҳамиятга молик асарлар фикримиз далилидир.

Навоийнинг асосий мақсади комил инсон образини яратиш эди. Бу рух унинг лирик асарларида ҳам, насрий асарларида ҳам яққол сезилиб туради. Навоий фикрича, қаноатли, вафоли, ростгўй, карам ва саховатли, сабрли, ишқ ўтида тобланган, ҳар томонлама етук инсонгина комиллик даражасига эриша олади. У бу йўлда турли машаққатлар чекишини “Лисон ут-тайр” асаридаги Симурғни излаб йўлга чиққан қушлар тимсолида очиб беради. Шу ўринда “Нега ишқ ўтида тобланган?”, деган савол туғилиши шубҳасиз. Навоий эътирофича, ишқ – нафсни ўлдурвчи қурол. Бунга “Лисон ут-тайр”даги Шайх Санъон ҳикоятини мисол тариқасида келтира оламиз. Аҳмад Яссавий ҳам нафсни боғлаб қўйилган итга қиёслайди. Нафсини енгган шоҳ юртидагина адолат қарор топади, юрт тинч, халқ фаровон бўлади. Хўш, Навоий адолатни, одил подшони қандай тасаввур қилади?

Мутафаккир одил подшо тимсолида Ҳусайн Бойқарони кўрар эди. Ҳаттоки ижодкор “Ҳайрат ул-аброр” достонининг 3-бобини “Салотин хайлининг сарафрози, Хавокин мулкининг ганж пардози”[2,67] бўлмиш султон Ҳусайнга бағишлайди. Шу билан биргаликда, “Тўё тил била мадҳин демак маҳолдирур, батахсиским қалам тили мадҳида лол дурур”[2,67], деб султонни таърифлайди. Яъни “Султонларнинг юксаги, осмон мулкининг хазинаси бўлмиш ҳукмдорнинг мадҳини айтиш маҳол, ҳаттоки қалам ҳам бунда лол бўлиб қолади”, - дейди шоир. Навоий Ҳусайн Бойқарони адолат ва фазл-у камолда Эроннинг афсонавий подшоси Жамшидга қиёслайди[3,102]. Дарҳақиқат, Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам шоҳ Султон Ҳусайнни одил подшоҳ сифатида тасвирлаб келади.

Мутафаккир “Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Салотин зикрида” мақолотида шоҳни чўпонга, халқни эса подага ўхшатади. Бу анъана Низомийда ҳам, Деҳлавий ва Жомийда ҳам мавжуд. Саккокийнинг эса “Раият

қўй эрур, султон анга шўбон...”, деган мисралари бор. Лекин, Навоийнинг ўхшатишлари ўзгача. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи фаслида одил шоҳ ҳукмдор бўлган юртда қўзи ва бўрининг ёнма-ён, тинч-тотув яшаши мумкинлигини эътироф этиб, “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги подани чўпон бўридан ҳимоя қилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларига қарама-қарши қўяди. Аслида шоир юртда бой ва камбағал, дўсту душман, амалдор ва фуқаронинг бир мамлакатда тинч-тотув яшабини таъкидлаган бўлса, “Ҳайрат ул-аброр” достонида фуқарони душманлардан ҳимоя қилишни кўзда тутган.

Шоир шоҳни боғбонга ўхшатади. Бундай боғбони бўлган боғда турфа гуллар очилади. Навоийнинг шоҳга мурожаати ғоятда таъсирчанлиги, мазмуннинг чуқурлиги, оҳангнинг кескинлиги билан ажралиб туради. Шоир шоҳга қарата “Сен ўзингни буюгу фуқарони тупроқ сифатида кўрма. Аслида сен ўзинг ҳоксан. Сен ҳам бир бандасан. Ҳаттоки кўпчиликдан ожиздирсан ҳам”, деганида алоҳида жасоратни сезиш мумкин.

Навоий адолатга чақириш билан бирга, зулмпеша подшоҳларнинг қилмишларини очган мисраларида танқид санъатидан моҳирона фойдаланган.

Навоий подшоҳлик ишини Сирот кўпригига ҳам қиёслаган. У қилган хатоларинг бир кун сенга азоб беради, кимгадир тикон билан азоб берган бўлсанг, вақти келиб, юз тиф билан кўксингга санчилади, деб таъкидлайди ва Шоҳ Ғозий ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Бу ҳикоятда:

*Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни даф этди адолат ила*[2,136]

-дея одил ҳукмдор улуғланади. Кейинги мисраларда эса адолатнинг янада улуғланиши, одил шоҳнинг соқийга нисбат берилиши қуйидагича тасвирланади:

*Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл* [2,138].

Бу ўринда Шоҳ Ғозийнинг адолати Зол кампирнинг “Золи зар”га айланиши, яъни адолат сувидан униб чиққан гулга қиёсланишини кузатишимиз мумкин. Адолатнинг гуллар очишини “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам “Қуёш била абри баҳордек қора туфроқдин гуллар очар”[4,7], деб тасвирлайди.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг биринчи қисми қирқ тўққиз ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг тасвирига бағишланган. Биринчи фаслда Навоий ҳукмдорнинг энг аввало, одил бўлиши кераклиги масаласини ўртага қўяди. Шоир “Одил подшоҳ ҳақдин ҳалойикқа раҳматдур ва мамоликка мўъжиби амният ва рафоқият”[[4,7], яъни “одил подшоҳ Аллоҳнинг фуқарога юборган раҳматидир, унинг адолати мамлакатга омонлик ва фаровонлик олиб келади”, дейди[3,252].

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг тўртинчи фасли эса золим, жоҳил, фосиқ подшоҳлар ҳақида бўлиб, агар султон золим бўлса, Навоий, ҳолингга вой бўлади, деб шоир ўзига мурожаат қилади ва золим шоҳнинг тасвирини беради. Асарнинг ўнинчи фаслида эса ҳукмдорнинг халқи ҳам унга

ўхшашини айтиб ўтади. “Агар шоҳға адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолатдин осор. Агар зулмпеша - элида ҳам зулмидин андиша”[4,16]. Бу сатрларга монанд тарзда дарёнинг суви қандай бўлса, ариқнинг суви ҳам шундай бўлади, деб қуйидаги маснавийни келтиради:

*“Ариғларки, ул баҳрдин айрилур,
Биликлик аларнинг суйин ҳам билур,
Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,
Эмас таъмида ҳожати можаро”*[4,17].

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да одил подшоҳни кўприкка, қуёшга ва кигизга ўхшатади. Бундан келиб чиқадики, улуғ шоир ўзининг олтмиш йиллик ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб яратган маърифий асарида ҳукмдорликнинг ўзига хос таомилларига ҳам адолат нуқтаи назаридан ёндашган.

“Садди Искандарий” достонида ҳам адолат тасвири берилади. Бу асарда ижодкор бир соатлик адолат фаришталар, инсонлару мавжудотларнинг тоат-ибодатларидан афзаллиги ҳақидаги фикрларини баён этади. Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги ҳикоятни олайлик. Ҳикоятда ҳукмдорнинг Ҳиндистоннинг забт этган вақтидаги элга қилган биргина адолати сабаб жаннатга ноил бўлгани ҳикоя қилинади. “Ҳикмат” бобида Искандарнинг устози Арасту билан адолат ҳақида қилган суҳбати ўрин олган. Арасту фикрича, шоҳ одил бўлса, олам унга тобе бўлади. Чунки адолат қарор топган юрт обод, бундай юрт халқи эса бадавлат бўлади. Аскарларга бойлик куч-қудрат бергани ҳолда, бундай қўшин ҳамиша ғолиб бўлишини таъкидлайди. Навоий Искандар таърифини қуйидагича беради:

Адолат қўлин тутти андоқ бийик
Ки, топти амон арслондин кийик.
Бу янглиғ чу оз вақт тузди русум,
Ғани бўлдилар адлидин аҳли Рум.
Кетур соқие, тўлдуруб жоми адл
Ки, кўргузди Искандар айёми адл![5,125]

Яъни Искандар юртни шунчалик адолат билан бошқарганки, мазлум халқ арслондек амалдорлардан, қароқчи ва ўғрилардан паноҳ топди. Оз фурсатда Рум эли бой бўлиб кетди. Шоир соқийга мурожаат қилиб, “Адолат жомини келтир, адолатли Искандар шарафига базм қилайлик”, дейди.

Демаклик эмас «ҳукмрони замон»,
Демактур «Ануширвони замон»[5,127-128].

Навоий юқоридаги мисраларда ҳукмдор замонининг оддийгина подшоси бўлмай, балки Анушурвондек бўлиши кераклигини эътироф этади. Чунки Анушервон одиллиги билан донг таратган шоҳ эди. Ижодкор ҳам юрт бошлигини у каби бўлишини истарди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Навоий нафақат насрий асарларида, балки лирик асарларида ҳам адолатга тўхталиб ўтади, чунки адолат туйғуси кенг қамровли. Меҳр-шафқатли бўлиш, барчани тенг кўриш,

кечиримли бўлиш ҳам ўз навбатида адолат туйғусининг бир кўринишидир. Шунча вақт ўтибдики, Навоийнинг адолат ҳақидаги, одил ҳукмдор ҳақидаги фикрлари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, адолат тараққий топган жойда юрт обод, халқ фаровон бўлиши шубҳасиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ислом Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Манъавият, 2008.
- 2.Алишер Навоий. МАТ. XX жилдлик. XVII жилд. Хамса. Тошкент: Фан, 1991.
- 3.Дилнавоз Юсупова. Ўзбек мумтоз ва миллий уйғониш адабиёти. Тошкент: Тамаддун, 2016.
- 4.Алишер Навоий. МАТ. XX жилдлик. XIV жилд. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент: Фан, 1998.
- 5.Алишер Навоий. МАТ. XX жилдлик. XI жилд. Хамса. Тошкент: Фан, 1993.